3.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ган тегишли ҳокимият органларида Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари, фракцияларига бирлашадилар ва ўз парламент фаолиятлари хусусида ана шу органларга тобедирлар. Партия аъзолари раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, аммо Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси номидан ҳаракат қиладиган гуруҳлар ёки фракцияларни тузиши мумкин эмас.

Партия гуруҳлари, фракциялари партия қурултойлари ва конференцияларининг қарорларига амал қиладилар, сайланадиган тегишли партия органларининг тавсияларини эътиборга оладилар. Муҳим сиёсий масалалар бўйича нуқтаи назарларини келишиб олиш учун сайланадиган тегишли партия органлари билан сайланадиган ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари, фракцияларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. Партия гуруҳлари, фракцияларининг аъзолари тегишли ҳокимият органларида овоз бериш чоғида биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги партия гуруҳи, фракцияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Олий Кенгаш ваколатлари даврида унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот партия қурултойи томонидан тингланиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари, фракциялари бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан ҳамкорлик қилишлари ёки ижобий оппозицияда бўлишлари мумкин.

8. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ва сайланган партия органлари партиянинг сайловолди ҳаракат дастурини амалга ошириш мақсадида ўз вакилларини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларидаги муайян лавозимларга тавсия этишлари мумкин ва сайланадиган ҳокимият органларига тегишли партия гуруҳлари, фракциялари орқали уларнинг сайланишига ёки тайинланишига эришиш учун ҳаракат қилади.

## III. ПАРТИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қоидаларига мувофиқ яшайди ва ҳаракат қилади. Бу қоидалар:

— партия ташкилотларининг ўзини-ўзи бошқаришини ва уларнинг иштирокида жамоатчилик тарзида ишлаб чиқилган сиёсатни турмушга татбиқ этишда улар ҳаракатининг бирлигини;

— қуйидан юқоригача партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сайлаган ташкилотлар олдида ҳисобот беришларини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни;

— фикр билдиришда эркинликни, турли қарашларни таққослашни, ошкора танқид ва ўзини-ўзи танқидни;

— шахсга нисбатан зўравонлик, унга мулкий, маънавий ва жисмоний зиён етказиш истисно қилинишини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қоида тариқасида ҳудудий асосда тузилади. Бунда бошланғич партия ташкилотларини ҳудудлар бўйича район, шаҳар, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар партия ташкилотларига бирлаштириш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча ташкилотлари ушбу Низом доирасида ва ўзларига тааллуқли партия қарорларини бажаришда юқори партия органлари олдида ҳисоб бериб турилишига риоя этилган ҳолда ўзларининг ички турмуши ва фаолиятини уюштиришда мустақилдирлар.

12. Умумий йиғилиш, конференция, қурултой партиянинг раҳбар органларидирлар. Улар партия ташкилотлари аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёки сайланган делегатларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўладилар.

Раҳбар партия органлари ижроия органларини (партия ташкилотларининг кенгашларини, ижроия бюроларини) ва тафтиш комиссияларини сайлайдилар ҳамда уларга зарур ваколатлар берадилар.

Ижроия органлар ва тафтиш комиссияларининг, сайланадиган тегишли ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари, фракцияларининг конференция, қурултой делегатлари этиб сайланмаган аъзолари маслаҳат овози ҳуқуқи билан уларнинг ишида қатнашишлари мумкин.

Тафтиш комиссиялари партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганлигини назорат қиладилар, партия ташкилотлари ва муассасаларининг партия бюджети ижросини ҳамда молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этадилар, конференция, қурултой тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ бошқа назорат ишлари ва ваколатларини амалга оширадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида тегишли партия ижроия органининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

13. Партия ташкилотлари, сайланадиган органлари ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал қилиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларнинг улар ишида қатнашишининг Низомга хилоф бўлмаган ҳар қандай шаклларидан фойдаланишлари мумкин.

Партия аъзоларининг ёки раҳбар ва ижроия партия органларининг ташаббуси билан партия клублари, назарий семинарлар, сиёсий марказлар ҳамда қизиқиш ва муаммовий, шу жумладан, касб-кор бўйича ҳам бирлашишнинг бошқа шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Улар партиянинг таркибий тузилмалари бўлмай, партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва улар хусусида ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

14. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, конференцияларда, қурултойларда бевосита ёки белгиланган миқдор (квота)да қуйи партия ташкилотлари томонидан сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ушбу вакил-

4.

ларни чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Партия йиғилиши, конференцияси, қурултойининг, сайланадиган органининг ихтиёрига кўра, овоз бериш яширин ёки очиқ бўлиши мумкин.

Партия аъзолари сайлов чоғида номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Партия органларининг таркиби тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи ташкилотларининг талабига мувофиқ ёки сайланган органнинг айрим ёхуд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин.

16. Партия ташкилотлари ва сайланган органларида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини раҳбар ва ижроия партия органларида, оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини баённомаларда қайд эттириш, баҳсли масалаларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дастурий мақсадлари ва Низомига зид бўлмаса улар партия юқори органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустаснодир.

17. Партиянинг сайланадиган органлари асосан жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар ўз ваколатлари даврида ўзларига бўйсунадиган меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузишлари мумкин. Бу аппарат уларнинг фаолиятини ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, социологик-башорат тадқиқотлари ўтказиш, ташкилий ишлар ва маслаҳатлар хизмати билан таъминлайди.

18. Партия ташкилотлари ва сайланадиган органлари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъсис этувчиларнинг шериклари бўлишлари мумкин.

## БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг негизи ҳисобланади. Улар ташкилотга бирлашишни истовчи камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда, одатда, район, шаҳар ҳокимияти (ўзини-ўзи бошқариш) органларига сайлов ўтказувчи бир ёки бир қанча сайлов округи доирасида тузилади ҳамда тегишли район, шаҳар ташкилоти кенгашининг ижроия бюроси томонидан рўйхатга олинади.

Амалдаги қонунларга хилоф бўлмаган жойларда бир корхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари тузилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ партия тузилмаларини ташкил қилишга йўл қўймайдиган корхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи партия аъзолари ҳудудий партия ташкилотларининг бирида ҳисобда турадилар ва ўзларининг партиявий бурчларини иш (хизмат) жойидан ташқарида ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

Ҳудудий ва ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сайловини ўтказувчи сайлов округлари доирасида ҳудудий округ гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Мазкур гуруҳларнинг ишини тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг ижроия органлари мувофиқлаштириб турадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларни тузиши, ўз йиғилишининг қарорига мувофиқ уларга партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

20. Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ички турмушларига доир масалаларни мустақил ҳал қиладилар. Улар ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу партия органи эса масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қиладилар ва тушунтира борадилар, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар, партия аъзолари бўлмиш халқ депутатларининг аҳоли ўртасида олиб борадиган ишларида уларнинг таянч бўғинлари ҳисобланадилар.

21. Умумий партия йиғилиши бошланғич, цех партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш заруратга қараб, аммо камида ҳар кварталда бир маротаба ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда цех ташкилотлари ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан конференция ёки йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Жорий ишларни олиб бориш учун бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) ижроия бюрони ва унинг секретарини ёки секретарь ва унинг ўринбосарини икки—уч йилга сайлайди, район, шаҳар партия ташкилоти кенгашига секретарни вакил қилади ёки бошқа ваколатли шахсни сайлайди. Партия гуруҳларида партия гуруҳининг ташкилотчиси сайланади.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Қорақалпоғистон республика ташкилоти партия сиёсатининг умумий қоидаларига ҳамда партиянинг олий ва марказий органларининг қарорларига амал қилиб, Қорақалпоғистон Республикасини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий-маданий жиҳатдан ривожлантиришга тааллуқли масалалар да ўз йўлини мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитети таркибига ўз вакилини йўллаш ҳуқуқидан фойдаланади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят ташкилоти мақомига эга бўлиб, партиянинг олий ва марказий органлари билан бевосита муносабатда бўлади.

Бошланғич ташкилотларни бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таянч тизимли бўғинларидир.

Район, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари ўз ҳудудлари доирасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг сиёсатини аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб борадилар.

23. Партия конференцияси Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, тегишли партия ташкилоти кенгашининг қарорига, юқори партия ташкилотининг таклифига, мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади. Навбатдаги партия конференциялари, одатда, маҳаллий, республика ҳокимияти органларига сайлов ўтказиш юзасидан сайлов кампаниялари бошланишидан олдин, аммо камида беш йилда бир марта чақирилади.

24. Партия ташкилоти Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиб, асосан қуйи партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича сайланган ва ваколат билан юборилган тўла ҳуқуқли вакилларидан иборат бўлади. Конференция тегишли кенгаш аъзоларининг бир қисмини қўшимча равишда сайлаши мумкин, бунда мана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг кенгашларига сайлаш учун белгиланган миқдор аввалги таркибдаги тегишли кенгаш пленуми томонидан, қуйи район ва шаҳар партия ташкилотлари билан келишган ҳолда конференцияни чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилган айни бир вақтда тасдиқланади. Район ва шаҳар партия ташкилотларининг кенгашларига ҳар бир бошланғич партия ташкилотидан биттадан вакил сайланади ва ваколат билан юборилади.

25. Конференция партия ташкилоти кенгашига беш йил муддат билан зарур ваколатлар беради, керак бўлган ҳолларда унинг аъзоларидан бир қисмини қўшимча равишда, шунингдек, тафтиш комиссиясини сайлайди, конференция уларнинг ҳамда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сайланадиган тегишли ҳокимият органидаги партия гуруҳи, фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади, мазкур партия ташкилоти ишининг устивор йўналишларини белгилайди, юқори партия ташкилотининг кенгашига белгиланган миқдорда ўз вакилларини сайлайди.

Қорақалпоғистон Республика партия конференцияси беш йил муддатга республика партия ташкилотининг

5.

раисини сайлайди. У Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси этиб сайлаш учун номзод бўлади.

26. Конференциялар оралиғидаги даврда кенгаш тегишли партия ташкилотининг манфаатларини ифодалайди, конференцияларнинг ва юқори партия органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этиб, ўзига ҳисобот бериб турувчи органларнинг ишига раҳбарлик қилади. Кенгаш қуйи ташкилотларнинг сайлаб қўйилган ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув жамоат органларида партия гуруҳлари, фракцияларининг кундалик фаолиятини мувофиқлаштиради.

Кенгаш ўз пленумида ўзининг таркибидан кенгаш секретарларини ва ижроия бюросининг бошқа аъзоларини беш йил муддатга сайлайди.. Ижроия бюронинг ваколатларини ва ишининг асосий йўналишларини белгилайди. Унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сайланадиган тегишли ҳокимият органидаги партия гуруҳи, фракциясининг иши тўғрисидаги ахборотларни ҳар йили тинглаб туради.

Кенгаш пленумлари заруратга қараб, аммо камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ваколатга эга бўлади.

27. Ижроия бюро тегишли кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади.

## ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

28. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи унинг олий органидир. Навбатдаги қурултойлар партиянинг Марказий Кенгаши томонидан камида беш йилда бир марта, одатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари сайлови ўтказиладиган сайлов кампанияси бошланишидан олдин чақирилади. Марказий Кенгашнинг қурултойини чақириш, унинг кун тартиби ва вакиллик нормаси тўғрисидаги қарори қурултойга камида икки ой қолганида эълон қилинади.

Партиянинг навбатдан ташқари (фавқулодда) қурултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда қурултой Марказий Кенгаш томонидан бир ой муддат ичида чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярмининг вакиллиги таъминланган тақдирда тегишли ваколатга эга бўлади.

29. Партиянинг Марказий Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Бу орган асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари белгиланган тенг миқдорда унинг таркибига сайлаган вакиллардан иборат бўлади.

Марказий Кенгашга сайлаш учун белгиланган миқдор Қорақалпоғистон Республикаси, областлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари билан келишилган ҳолда партия қурултойини чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда пленум томонидан тасдиқланади.

30. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи:

— делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан партиянинг нуқтаи назарини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастурини, сайловолди платформаси ҳамда бошқа дастурий ва сиёсий ҳужжатларини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низомини қабул қилади, зарур ҳолларда уни қайта кўриб чиқади, ўзгартишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритади, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда Низомни рўйхатга олувчи ҳуқуқий органларни хабардор қилиб қўяди;

— Марказий Кенгашга беш йил муддат билан зарур ваколатлар беради, унинг аъзоларини ва партиянинг Марказий Тафтиш комиссияси, қурултой сайлайдиган бошқа органлар ҳамда шахсларнинг ҳисобот ва маърузаларини, республика Олий Кенгашида Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи, фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— Марказий Кенгашнинг тақдимига мувофиқ партиянинг байроғи, нишони ва вимпелларини унинг рамзи сифатида тасдиқлайди;

— партиянинг раисини сайлайди, айни вақтда уни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун номзод қилиб кўрсатади.

Қурултой қарорлари партиянинг барча аъзоларига етказилиши шарт.

31. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг раиси унинг раҳбари сифатида қурултойлар ҳамда умумпартия конференцияларининг ишини бошқаради ва партия қурултойига ҳисобот бериб туради. У мазкур лавозимга кўпи билан сурункасига икки муддатга сайланади.

Партия раиси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига унинг расмий номзоди ҳисобланади ва ана шу лавозимга сайланган тақдирда партиянинг раҳбари бўлиб қолаверади. Партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органлари унинг сиёсий фаолияти қўллаб-қувватланишини таъминлайдилар.

32. Қурултойлар оралиғидаги даврда Марказий Кенгаш партия сиёсати ва амалий фаолиятининг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун умумпартия конференциясини чақириши мумкин.

Конференция партия Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссиясининг иши тўғрисида уларнинг ҳисоботларини тинглаш, Марказий тафтиш комиссияси таркибига қисман ўзгартишлар киритиш, партиянинг дастурий ҳужжатлари ва Низоми доирасида унинг учун бошқа мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

33. Қурултойлар ва умумпартия конференциялари оралиғидаги даврда партия Марказий Кенгаши:

— қурултойлар ва умумпартия конференцияларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади, партия барча бўғинлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи, фракциясининг жорий ишларини мувофиқлаштиради;

— ўз пленумида ўзининг таркибидан Марказий Кенгашнинг Сиёсий Ижроия Комитетини, шу жумладан Марказий Кенгашнинг биринчи секретари ва секретарларини беш йил муддатга сайлайди;

— Сиёсий Ижроия Комитет ваколатларини ва унинг асосий иш йўналишларини белгилайди;

— ҳар йили Сиёсий Ижроия Комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг республика Олий Кенгашидаги партия гуруҳи фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларини тинглайди;

— бошқа партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, жумладан, чет эллардаги шундай ташкилот ва ҳаракатлар билан бўлган муносабатларда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг вакиллигини таъминлайди;

— партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

— партия корхоналари ва муассасаларининг, ижтимоий-сиёсий муаммолар институтининг раҳбарларини, партия оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирларини тасдиқлайди;

— Низомнинг айрим нормаларини қўллаш тартибини аниқлаб берадиган қоида ва усулларга оид ҳужжатларни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қурултойи ёки умумпартия конференцияси унга берадиган бошқа раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Марказий Кенгашнинг пленумлари заруратга қараб, аммо камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўлади.

34. Сиёсий Ижроия Комитет Марказий Кенгаш пленумлари оралиғидаги даврда Марказий Кенгаш қарорлари доирасида кундалик сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал этади, унинг ишчи аппаратига раҳбарлик қилади. Сиёсий Ижроия Комитет ишини биринчи секретарь у бўлмаганда Марказий Кенгаш секретарларидан бири олиб боради.

Сиёсий Ижроия Комитетининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

35. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Марказий Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида партия Низомига ва қурултой тасдиқлайдиган Низомга амал қилади.

6.

Марказий Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

## IV. БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

36. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси демократик ва ижтимоий адолат нуқтаи назарига амал қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва унинг доирасида ҳаракат қилувчи ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатлар билан муносабатларини сиёсий ҳамкорлик ва шерикчилик, ўзгача нуқтаи назарни ҳурмат қилиш асосида қуради.

Партия ташкилотлари Конституция ва қонунлар асосида ҳамда унга мувофиқ иш кўраётган бошқа сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатларнинг ташкилотлари билан биргаликда номзодлар кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловолди битимни тузишлари ва улар билан бирлашишлари мумкин.

Партия демократик йўналишдаги хорижий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан алоқалар ўрнатади ва бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлайди.

## V. ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

37. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан иш олиб боришда, ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшлар ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қиладилар, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларига кўмаклашадилар.

Партия ташкилотлари партиянинг дастурий мақсадларига қўшилувчи ёшларни Ўзбекистон ХДП сафларига жалб қилиш борасида иш олиб боради.

Барча поғоналардаги партия ташкилотлари қошида 30 ёшгача бўлган партия аъзоларини ҳамда партиянинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчи партиясиз ёшларни бирлаштирадиган ёшлар клублари ва шўъбалари ташкил этилиши мумкин.

Ёшлар клублари ва шўъбалари ёшларга оид сиёсат ҳамда ёшлар билан иш олиб боришда партия ишининг турли масалаларини муҳокама қиладилар, ана шу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқиб, таклифларини тегишли партия ташкилотларининг раҳбар ва ижроия органлари муҳокамасига киритадилар.

## VI. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

38. Партия ўз рамзлари сифатида байроқ, нишон ва вимпелларига эга бўлади. Уларни Марказий Кенгашнинг тақдимига биноан қурултой тасдиқлайди ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органи томонидан рўйхатга олиниши керак.

## VII. ПАРТИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

39. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминланади.

Партиянинг пул маблағи партияга аъзолик бадалларидан ноширлик, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти даромадларидан, партия аъзолари, айрим фуқароларнинг ихтиёрий хайрияларидан ҳамда сиёсий иш манфаатларига ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан таркиб топади.

Пул маблағларининг бир қисми, Марказий Кенгаш белгилаган миқдорда ҳар йили Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг заҳира жамғармасига ажратилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини ўз даромадларининг камида 1 фоизи миқдорида тўлайдилар. Партия ташкилотлари ўз қарорлари билан моддий аҳволи, бетоблиги ёки қарилиги сабабли партия аъзолик бадалларини мунтазам тўлай олмайдиган кишиларни шундай бадаллар тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

40. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бюджети, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия корхоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратиладиган маблағларнинг миқдори, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили партия Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланади ва ҳаммага маълум қилиш учун эълон қилинади.

Маҳаллий партия ташкилотларининг бюджетларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини тегишли кенгашлар тасдиқлайди ҳамда партия аъзоларига маълум қилади.

41. Бинолар, иншоотлар, корхоналар, хўжаликлар, нашриётлар, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасаларининг мулки, пул маблағлари, шунингдек, партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси эгалик қилиш ҳуқуқининг объектлари бўлиб, буларни у тасарруф этади.

Партия ташкилотлари, кенгашлари ўзларига тегишли мулкни бевосита бошқарадилар (эгалик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф этадилар). Улар партия мулкини сотиш ёки уни бошқача бегоналаштиришни Халқ-Демократик партиясининг қурултойи, конференцияси ёхуд Марказий Кенгаш пленуми томонидан тегишли ваколат берилган юқори партия органининг рухсати билангина ҳал эта оладилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотлари кенгашлари, партия корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар.

42. Район, шаҳар партия ташкилотлари ва уларнинг таркибига кирувчи бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадалларидан тушган пулнинг ва бошқа даромадларнинг бир қисми ажратилади, унинг миқдорини ҳар йили Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари кенгаши белгилайди. Тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг кенгашлари ана шу маблағларни тасарруф этадилар, уларнинг зарур қисмини бошланғич ташкилотларнинг бевосита эҳтиёжларига ажратадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия Низомида кўзда тутилган мақсадлар учун айрим фуқаролар ихтиёрий равишда уларга ўтказаётган маблағлар ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

## VIII. ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРГОҲИ

43. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг қароргоҳи Тошкент шаҳридир.

## IX. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

44. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаолияти у бошқа сиёсий ташкилотлар билан бирлашган ёки қўшилиб кетган тақдирда, бўлиниш ёхуд ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида тўхтатилиши мумкин. Ушбу масалага оид қарорни партия қурултойи унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади ва қурултой делегатларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг мулки Низомда кўзда тутилган мақсадларга берилади ёки партия қурултойи белгилаган ҳуқуқий ворисга топширилади.

